

ЕЛИМИЗДИҢ АБАДАНЛЫҒЫ УШЫН!

« ИНСОН ВА ҚОНУН »

КУШ — ЭДИЛЛИКТЕ

Газета 1996—жыл
1-сентябрден баслап
шыға баслады

27 ОКТЯБРЬ

1997 ЖЫЛ

32 (39)

ДУИШЕМБИ

сатыўда еркин баҳада



АДАМ ХЭМ НЫҒЗАМ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ХУҚЫҚ ҚОРҒАУ УЙЫМЛАРЫНЫҢ ЖӘМИЙЕТЛИК-ХУҚЫҚЫЙ ГАЗЕТАСЫ

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ МУАММОЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Тошкентда самимий қутлайман ҳамда мазкур учрашувингиз жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига янада кучлироқ жалб этишга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Орол бўҳрони бир минтақа доирасидан чиқиб, сайёрамиз миқёсида аҳамият касб этган бўлиб бугунги кунда унинг ҳалокатли таъсири иқлимнинг ўзгариши, биологик мувозанат, алал-оқибатда аҳоли ирсиятида ҳам сезилмоқда.

Улкан ҳудуднинг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатининг миқёс ва мураккабликлари бу муаммога комплекс ёндашув, қўшни давлатлар ҳамда умуман халқаро ҳамдўстлик ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва кенгайтиришни тақозо этади.

Мазкур учрашув Оролни қутқариш бўйича комплекс дастурни амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолишига, бу оламшумул муаммони ҳал этишда барча иштирокчиларнинг бир битимга келишига кўмаклашишига чин дилдан умид боғлайман. Барчамизнинг умумий вазиғамиз — табиатнинг ночор аҳволга тушиб қолган ҳозирги мувозанатини барқарорлаштиришдан, инсоннинг яшаши ва фаолият кўрсатиши учун мақбул шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Барчангизга муваффақият ҳамда бу олижаноб ишингизга барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш Халқаро Жамғармаси Президенти.

ОРОЛ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

15 октябрь кунин Тошкентда «Орол ҳалокати — XX асрнинг сайёравий фожиаси» шиори остида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича халқаро учрашув бошланди. Унда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, шунингдек, Европа иттифоқи, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро метеорология ташкилоти, кўплаб халқаро банклар, муассасалар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Япония, Швеция, Миср, Франция, Германия, Австрия, Канада, Италия сингари хорижий мамлакатлар вакиллари иштирок этмоқда.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков очиб, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Учрашувда Орол денгизи ҳавзасида юзага келган вазият фақатгина шу минтақа мамлакатлари эмас, балки жаҳон миқёсидаги катта муаммо экани, уни ҳал этиш кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳамжиҳатликда иш олиб боришини талаб қилаётгани қайд этилди.

Учрашувда сўзга чиққан БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Халид Малик ҳамда жаҳон банкнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Хассо Молинеус халқаро ташкилотларнинг оролбўйи муаммоларини бартараф этишдаги фаолияти ҳақида гапирди.

Жаҳон банки вакили Х. Молинеус бугунги кунда Орол муаммо-

лари бўйича барча таҳлилий ишлар ниҳоясига етганини айтиб, эндиги вазиға уларнинг натижаларини жойларда қўллашдан иборат эканини таъкидлади. Шунингдек, у оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, минтақада иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш мақсадларида умумий баҳоси 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган бир неча лойиҳа тайёрланаётганини маълум қилди. Бундан ташқари Марказий Оснёда сув захираларидан тўғри ва самарали фойдаланиш мақсадида умумий баҳоси 600 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳалар ишлаб чиқиляётганини айтди.

Анжуманнинг биринчи кунинда Марказий Оснё республикалари делегация раҳбарларининг оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга ошириляётган ишлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, 1994 йил 11 январь кунин Нукусда Марказий Оснё мамлакатлари давлат раҳбарлари қабул қилган муайян тадбирлар дастурини амалга ошириш, оролбўйида барқарор тараққиёт муаммолари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича сессиялар бўлиб ўтди. Сессияларда Марказий Оснё республикалари, халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар вакиллари техник вазиғаларни амалга ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан кенг фикр алмашилди.

Халқаро учрашув 16 октябрь кунин ўз ишини давом эттиради.

(УЗА).

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСЫНДА

Конференция болып өтті

Жақында Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасында, 1997 жыл 20 май күни Ўзбекистан республикасы Президенти И. Э. Кәримовтың хуқық қорғау уйымлары хызметкерлери, хуқық тарауы бойынша илимпазлар, ғалаба хабар қураллары менен болған ушырасуудан келип шыққан мәселелер бойынша конференция болып өтті.

Конференцияны Қарақалпақстан Республикасы прокуроры әдиллик аға кенесчиси, юридика илимлерини кандидаты Х. Халимов кирис сөз бенен ашты. Ол өз сөзинде Ғәресиз Республикамыздың жаңаша жол менен раўажланыуында хуқықый мәденияттың зәрүрлиги, халықты хуқықый тәрбиялауда хуқық қорғау уйымларының ўазыйпалары жөнинде айтип өтті.

Буннан соң сөзге шыққан Қарақалпақстан Республикасы Жоқары Кеңес Комитети баслығы Ж. Са-

дықов, Қарақалпақстан Республикасы Министрлер кеңесиниң бөлим баслығы З. Шамуратова, Қарақалпақстан Республикасы Хуқық қорғау уйымларының жәмиётлик-хуқықый газетасы «Адам хэм Нығзам» газетасының бас редакторы Р. Көбейсинова, Ишки ислер министрлиги жанындағы баспа сөз орайы баслығы Ж. Өтениязов хэм басқада Республикалық көлемде шығаратуғын газеталардың редакторлары шығып сөйлеп халықтың хуқықый билимин асыруу, бул жолда ғалаба хабар қуралларының тутатуғын орны хэм ўазыйпалары жөнинде өз пикирлерин билдирди.

Конференция соңында Қарақалпақстан Республикасы прокуроры Х. Халимов шығып сөйлеп, билдирген пикир хэм усынысларды итибарға алып тийисли шешим қабыл етті.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, тегишли қонунчилик ва норматив базани вужудга келтириш бўйича ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифларни тайёрловчи Республика комиссияси ва унинг қуйидаги кичик комиссиялари ташкил қилинсин;

— амалдаги қонунчиликка танқидий баҳо бериш ва уни такомиллаштириш бўйича кичик комиссия;

— қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича кичик комиссия — 1-3-иловаларга мувофиқ таркибда.

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифларни тайёрловчи Республика комиссияси бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар иштирокида;

қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил этиб, уларнинг ҳозирги бозор ислохотлари босқичига қай даражада мувофиқ эканлигига баҳо берсин;

қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул

қилинган Фармонларни ва Хукумат қарорларини рўйхатга олиб, улар қанчалик тўлиқ ва самарали амалга оширилганлигини, айрим қондалар бажарилмаганлиги сабабларини аниқласин.

3. Қонунчилик ва норматив ҳужжатларнинг таҳлили ҳамда уларга танқидий баҳо бериш натижалари бўйича;

Республика комиссияси 1997 йил 25 октябрга қадар бўлган муддатда тегишли вазирликлар, идоралар, илмий ва ўқув муассасаларининг иштирокида «1998 — 2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, муҳокамага тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилнинг 10 ноябрга қадар муддатда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш масалалари бўйича янги қонунларнинг лойиҳаларини ва амалдаги қонунчиликка қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

1997 йил 6-октябрь.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бери давлат тузумимизда, жамиятимизда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қанча қонунлар қайтадан ишланиб, янгидан қабул қилинди.

Шулардан бири янгидан қабул қилинган 1997 йил 1 мартдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонундир.

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида айрим нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг рақслари (оқсоқоллари) амалга оширади.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) битимларни тасдиқлайди;
- 2) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;
- 5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- 6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кучирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 13) фуқаронинг фотосуратда акс

этирилган шахс эконлигини тасдиқлайди;

14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

19) ижро хатларини ёзади;

20) векселларнинг протестларини амалга оширади;

21) денгиз протестларини амалга оширади;

22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради;

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг рақслари (оқсоқоллари) қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

1) васиятномаларни тасдиқлайди;

2) ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

3) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кучирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно;

5) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар йиғинларининг рақслари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нотариал ҳаракатлар нотариал идоралари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи жойлашган бинода амалга оширилади.

Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг ҳамда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг биноларидан ташқарида амалга ошириладиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганда кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-қўйлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни кечиктириш ҳақида қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаси, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ва факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлганига қадар тўхта-тилиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Нотариуслар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар нотариал ҳаракатларни сўраб мурожаат қилган кишиларнинг шахсини аниқлайди.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишининг шахси унинг шахсига нисбатан ҳар қандай шубҳаларни истисно этадиган паспорти ёки бошқа ҳужжатларига асосан аниқланиши керак.

Битимлар тасдиқлаб берилаётганда уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг вақолати ҳам текширилади. Нотариал тасдиқланадиган битимлар, шунингдек, аризалар ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Агар фуқаро жисмоний нуқсон, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши лозим.

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қириб ўчирилган ёки қўшимчалар қирилган, сўзлари устидан қизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган ҳужжатларни, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайди.

Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

Янги қабул қилинган ва ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни жуда мукамал ишланган бўлиб, барча ҳуқуқ нормаларини ўз ичида мужассамлаштирган ва ҳозирги давр талабларига тўла жавоб бера оладиган қонундир.

И. НУРУЛЛАЕВ,

Амударё тумани давлат нотариал идораси нотариуси.



Суратда Амударё тумани нотариал идораси бошлиғи П. МАТЖАНОВА.

«Қиз өссе елдин көрки, гүл өссе жердин көрки»,—деген гөп бийкар айтылмаса керек? Небир шайырларимыз, жазыўшыларымыз тәбияттағы хәммә гөзаллықларды қызларымызга теңеген.

Демек бизиң қызларымыз өзлериниң әдеп-иқрамлығы менен мәдениятлығы менен айрықшаланады.

Қыз бала—ертеңги ана. Соның ушын халқымыз қыз баланың тәрбиясына айрықша мәни берген. «Қызга қырық үйден тыйыў, бир үйден жыйыў»—деген мақал усыған байланыслы айтылса керек.

Әдеп-иқрамлық, меҳир-муҳаббат, адамгершилик сыяқлы қасийетлер ҳәр бир адамның мейли ол қыз бала болсын, ул болсын жүрек сезимлеринде болса керек. Өкенишли жери айырым қызларымыздан усы қасийетлерди таба алмаймыз.

Мен буннан бир-еки жыл бурын бир ўақыяның гүәсы болдым.

Бәхәр айының жайма шуўақ күнлериниң бири еди. Тәбият гөзаллығының енди оянып қиятырған гези. Мен имтиханларга таярлықты дем алыў паркинде өткерийди дәстүрге айналдырғанман. Парктеги өзимниң орынлығыма келип, жынаят ҳуқықынан имтихан сораўларын асығыс көре басладым. Вир пайыт мениң дыққатымды мына бир жағдай бөлип жиберди. Қарасам бир

АНАНЫҢ МЕХИР-МУХАББАТЫН ҚӘСТЕРЛЕЙИК

қарыя ана. Қасына барып, сәлемлесип жөн сорадым.

— Ана бир жериңиз аўырып отырған жоқ па? Жәрдем керек емес пе?—дедим.

— Яқ, қарағым, рахмет. Хәш жерим де аўырып отырған жоқ. Тек қызымды, аўылымды, ақлықларымды сағындым. Мине бир жыл болды. Қызым мени усы жерде даўаланасаң деп таслап кетти. Бул жерде үш мезгил аўқат береди. Медсестра қызлар денсаўлығыңа жақсы қарайды. Мениң тек сағыныш сезимим оянып гүрсингеним еди, қарағым.

— Қойың, апа, денсаўлығыңды беккемлеп еле қызыңызга, ақлықларыңызга, аўылыңызга барып сағыныш шериңизди тарқатасыз.

Биз ана менен екеўимиз аўыл ҳақында гүрриңлесип отырып кештиң болғанын да билмей қалыппыз.

— Жүриңиз апа мен сизди емлеўханаға апарып таслайын—деп ананың қолтығынан демеп жүрип келемен... Емлеўхана онша алыс емес жақын арада болып шықты. Үлкен ақ жайдың төбесиндеги жазыўды көргенимде мениң төбемнен биреў муздай суў қуйып жибергендей турып қалдым...

— Рахмет балам, өнип-өс,—деп алғысын айтып, аяғын зорға басып жүрип баратырған ананың соңынан қарал:

Бир гезлери усы жүрексиз перзентиди түн уйқыңызды төрт болып, хәй-ийу айтып, өсирген шығарсыз-ау... Қартайған шағыңызда қариялар үйинне апарып таслайды деп ойламадыңыз-ау. Сонда да ана перзентине кир жуқтырар емес-ау.

Арадан еки жыл өтти. Оқыўымды табыслы тамамлаған соң өзимниң мийнет жолымды Қоңырат районлық ПХАЖ бөлиминен басладым. Бул жерде көплеген бахытлы аналарды гезлестиресен. Перзентли болғаныңларына қуўанып, туўылғанлық ҳақыңдағы гүәлықларды аналық меҳир-муҳаббаты менен қабыл етеди.

Усы пайыт мен баяғы ушыратқан ананы ойлағанымда жүрегим бир түрли сызлап қоя береди.

Тәғдир сизге перзент сыйлаған екен, меҳир-муҳаббаты менен, әдеп-иқрамлығы менен, адамгершилиги менен қоса сыйласын.

Өсирип атырған ул-қызларыңыздан тек ғана жақсылық қайтсын дегим келеди.

И. ЖИЙРЕНИЕВА,

Қоңырат районлық ПХАЖ бөлиминиң баслығы.



Республикамиз оз фарезсизлигине ерискенинен соқ еллимизде бир қанша заман талабына сай жаңа имэратлар бой тиклемекте.

Сўўретте Эмиўдэрья район судының жаңа имэраты.

Сўўретке түсирген П. МАТЖАНОВ.

НЭШЕБЕНТЛИК—ЖАМАН ИЛЛЕТ

Нэшебентликке қарсы гүрес, бүгінги күнде пүткіл дүнья жүзлик әҳмийетке ийе болған күтэ әҳмийетли мәселе болып есапланады.

Районымызда бул әҳмийетли мәселе бойынша Ишки-ислер бөлими хызметкерлери төрепинен қырағылық пенен ис алып барыуы нәтийжесинде усы жылдың 9 айы ишинде 3 жынаятлы ис судқа өткерилип, 2 ис бойынша 2 адам судланды, 1 ис бойынша 1 адамға қайта тергеуге қайтарылды.

Кегейли районы М. Жуманазаров атындағы колхозында жасаушы 1928-жылы туўылған Мырзамбетов Нуран өзиниң үй қапталы жер участкасының узынлығы 18 метр, ени 6 метр барлығы болып 0,54 сотых жерге көкнар өсимлигин еккен. Ол бурын да, 1993-жылы нызам бойынша қадаған етилген көкнар өсимлигин еккенлиги ушын судланған. Усы судланғанлығынан тийисли жуўмақ шығармай, және жынаят екенлигин биле тура көкнар өсимлигин

егип қойған жеринде милиция хызметкерлери төрепинен анықланып жынаяттың алды алынған.

Суд төрепинен судланыушының ден саўлығының төмен, пенсионер, инвалид екенлиги, судта өз айыбын толық мойылап кеширим сорап турғанлықларын есапқа алып қамаққа байланыссыз жаза берилди. Яғный ӨзР ЖК ниң 72 статьясы менен 3 жыл еркинен айырыу жазасы сол мүддетке шөртли жазаға айландырылып, оған 1 жыл 6 ай сынақ мүддети белгиленди.

Хүкимниң орынланыуын бақлап барыу Кегейли районы Ишки-ислер бөлимине жүкленди.

Жасы үлкен, жасларға ақыл нэсият бериуши аталарымыздың қылмысты биле тура жынаятқа қол урганлығы өкинишли жағдай.

Нэшебентлик—жаман иллет. Буған қарсы гүрести күшейтейик.

Б. ЖӘДИГЕРОВ.

Кегейли районлық судының баслығы.

Сиз унутмадингизми?

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

1998 йил учун Қорақалпоғистон республикаси ҳуқуқуни муҳофаза этиш идораларининг ижтимоий-хуқуқий газетаси «Адам ҳәм Нызам» — «Инсон ва Қонун» га ёзилишга шошилинг.

Газетанинг фуқаролар учун йиллик обуна баҳоси 613 сўм 40 тийин

Ярим йилга 306 сўм 70 тийин Корхона ва ташкилотлар учун эса йиллик обуна баҳоси 1613 сўм 40 тийин

Ярим йилга 806 сўм 70 тийин.

Газетанинг индекси: фуқаролар учун 321.

Корхоналар учун 322.

ХУҚУҚШУНОС МИНБАРИ

ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24-апрелдаги № 396—1-сонли Қонун билан тасдиқланди ва Олий Мажлисининг 1997 йил 24-апрель № 397—1 қарори асосида 1998 йил 1-январдан эътиборан амалга киритилган бўлди.

Кодекс XI-бўлим, 41-боб ва 135 та моддани ўз ичига олади.

Солиқ Кодекси қабул қилинганлигининг аҳамияти шундан иборатки, аввал солиқ соҳасида жуда кўп қонунлар ва идоравий йўриқномалар мавжуд бўлиб бу ўз навбатида солиқ тўловчилар ўртасида айрим тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Ушбу қонун даражасидаги норматив ҳужжат ўзига жуда кўп сонли солиқ қонунлари ва йўриқномаларини ўзига жамлаштиради. Қонун кучга кириши билан 39 та солиқ соҳасидаги норматив ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотади.

Солиқ Кодекси солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди, солиқ ишларини юришти тартиботини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади, ушбу Кодекда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: — Умумдавлат солиқлари; — Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар кириди: Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги; Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги; Қўшилган қиймат солиги; Акциз солиги; Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; Экология солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар кириди: Мол-мулк солиги; Ер солиги; Реклама солиги; Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ ва Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумла-

дан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

Юридик шахсларни, шунингдек тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2. Ушбу Кодекда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3. Бюджетга ортқича миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш;

4. Солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдиданги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5. Солиқ органлари ўтказган текширув материаллар билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддатда тақдим этиш;

6. Солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

7. Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл хатоларни мустақил равишда тузатиш;

Солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

1. Белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш;

2. Солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3. Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юриштиш;

4. Молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришга рухсат бериш;

7. Солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш;

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиги тўловчилар ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига (фойдага) энг юқори —ўттиз беш фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, болаарбон ва бадий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахсларга солиқнинг камайтирилган ставкаларини белгилаши мумкин.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга булган жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилардир. Жисмоний шахс молия йили давомида ҳар бир ишлаб даромад олган ой учун энг камини ҳақининг бир баробари миқдорда чегирма қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан тегишли ставкалар асосида солиқ ундирилади.

Қўшилган қиймат солиги товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир. Қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисобга турган ёки ҳисобга турини шарт бўлган тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиги тўловчилар ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиги йиғирма фоиз ставка бўйича тўланади. Ижтимоий аҳамиятга молик айрим озиқ-ов-

қат товарлари бўйича эса ўн фоизли ставкада тўланади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган товарларга ва импорт қилинган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиги солинади. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акция солиги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиги тўловчилардир. Юридик шахслар мол-мулкига тўрт фоизли ставка бўйича, жисмоний шахслар мол-мулкига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган ставка бўйича солиқ солинади.

Ўз мулкда, эгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиги тўловчилардир. Ер солиги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ, бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлари бажарувчи хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар бир фоизли ставка бўйича экология солиқни тўлайдилар.

Ўз фаолиятида бевосита сувдан фойдаланувчи юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар. Янги Солиқ Кодексида ҳар бир солиқ тури бўйича юридик ва жисмоний, шахсларга берилган имтиёзлар, солиқларни ҳисоблаш, ҳисобат бериш тартиби, солиқларни бюджетга ўтказиш қоидалари бажариши баён қилинган.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчиларга нисбатан Кодекда назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади, жисмоний, шахслар ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса, шунингдек маъмурий, фуқаролик ҳуқуқий ва жисмоний жавобгарликка тортилдилар.

Умуман олганда Янги Солиқ Кодекси ҳар тарафлама ихчам, қулай ва солиқ тўловчи ҳамда солиқ назорати ходимлари учун оддий тилда ёзилган муҳим норматив актдир.

К. ҚАЛАНДАРОВ,

Элликқалъа туман ДСИ бош, суриштирувчиси, солиқ хизмати 1-даражали инспектори.

ПОЭЗИЯ

Г. МАТЯКУПОВА.

ГҮЛЭЙИМНИҢ АРИЯСЫ

Кеуил—мухабатта, жаным журттадур,
Көзлерим—қуяшқа, жүрек—дөрттедур,
Ат—мендедур, қылыш, қалқан
мөрттедур,
Қырық-қызды күтип ал ата мөканым.

Арыулар сапарға шықты жәм болып,
Таулар бой тикледи, жоллар кең болып,
Кеуил талұас етер, айға тең болып,
Қырық-қызды жолға сал ата мөканым.

Түркистан жолға сал қырық
Қырық—гүлди қырық арзыу
Душпанға ғам, жанға хал дарманыңды,
Қырық қызды күтип ал, ата мөканым.

Ай болып нурлары оңуу-солында,
Жулдызлар үзилип түсер жолымда,
Ақ атым астымда, қылыш қолымда,
Қырық қызды жолға сал, ата мөканым.

Ғарға құс жараспас бағыңа сениң,
Қызларың шыдамас дағыңа сениң,
Жанлар құрбан болсын жолыңа сениң,
Қырық қызды күтип ал, ата мөканым.

Мухаббат от салды бул шийрин жанға,
Ат минип кирдим мен сауаш майданға,
Жерде қырық қыз, қырық жұлдызың
аспанда,
Қырық қызды күтип ал ата мөканым.

Мухаббат қолыма қылыш туттырды,
Түсте көрген ярым сонша күттирди,
Нийетим душпанға қанлар жуттырды,
Қырық қызды күтип ала ата мөканым.

Саған пида еттим ширин жанымды,
Қырық болдым жолыңда қырық
Қырық намыс қорғайды жер аспаныңды,
Қырық қызды жолға сал, ата мөканым.

Бул дәуран ишинде мухабат қалар,
Сатқынлық жеңилер садақат қалар,
Жаманнан дағ, жақсыдан—ат қалар,
Қырық қызды жолға сал, әй
Түркистаным.

Ел-журтыма шийрин жаным пидадур,
Қырық қыз пида жолларыңда ададур,
Душпанларың ушын жәбиру жападур,
Қызларыңды күтип ал, әй мөканым.

Сұранг, жавоб берамиз

Ижара (аренда). Уни қандай тушуниш мумкин? (Қайпова З. Нукус шахри).

Ижара бу мулк эгасининг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулкларини муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа бировга топширишидир. Мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкни бировга (ижарачига) ишлатиш ёки фойдаланиш учун беради. Айни вақтда ҳар иккала томон ҳам фойда олишни кўзда туттади.

Ижара муносабатларида ижарага берувчи ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлиб қолаверади. Ижарачи эва вақтинча, шартномада кўрсатилган муддат давомида мулкдор ҳуқуқини олади ва бунинг учун ижара ҳақи тўлайди. Шу билан бирга ижарачи ўз фаолияти давомида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб олинган маҳсулот ва даромадларнинг (муқтақил эгаси ҳисобланади.

Жарима тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз? (Зарипов К. Хўжайли тумани).

Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳақида маълумот берсангиз? (Салиев Ш. Тўртқўл тумани).

Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жинойи оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарлигини истисно қилади. Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортилади.

Жавобларни тайёрлаган
Р. КОБЕЙСИНОВА.

ҚРИИМ баспа сөз орайы хабарлайды

Салы зүрәәттиң талан-тараж етиўге қарсы Ҳасыл—97 операциясы даўам етпекте. 19-октябрь күни түнги саат 2.00 де Тахтакөпир районындағы «Дәўқара» аўыл хожалығы ассоциациясында бригадир болып ислеген С. Рейимов 1410 кг салыны трактор менен урлап баратырғанда ҚР ишки ислер министрлигиниң арнаўлы хызмет топары тәрәпинен иркилди.

Бул факт бойынша дәслепки сорастырыў жумыслары жүргизилмекте. Сондай-ақ Қоңырат районынан пуқара Бийсенбаев, Хожаметов, Төрениязов, Оразбаев, Тахтакөпир районынан Сейткамалов, Абдуқасымовларға аз муғдарда салы урлаған ўақтында усланып суд тәрәпинен тийисли штраф салынды.

Операция ўақтында транспортты мәс ҳалында басқарып жүрген 25 айдаўшы иркилди ҳәм тийисли шапра көрилди.

Мәўсим басынан берли пахтаны, маллардың заялаўының 35 факти болып, мал ийелерине 16 690 сўм муғдарында штраф салынды.

«Ҳасыл—97» операциясы даўам етпекте.

Ж. ӨТЕНИЯЗОВ.

Қарақалпақстан Республикасы Прокуратура жәмәәти, Қараөзек район прокуроры Бахтияр Мәмбетназаровқа туўысқан ирисни
Қоңыратбай Мәмбетназаровтың мезгилсиз қайтыс болыўына байланыслы терең қайғырыў менен кеуил айтады.



СҮҮРЕТТЕ; Қарақалпақстан Республикасы бизнес орайы.

КУЛГИХОНА

Қамақхона назоратчиси олий жазога маҳкум этилган маҳбусқа юзланди:

— Эртага сени отиб ташлашларини биласанми?

— Ҳа, биламан.

— Охири илтимосингни қондиришларини ҳам биласанми?

— Албатта.

— Унда жон биродар, «Фалончи назоратчининг маошини оширинглар, деб сўрагин, хўпми?

Ишдан уйига қайтган эр хотинига таийнлади:

* * *

— Ким кўнғироқ қилишидан қатъий назар—мен уйда йўқман, уқдингми?

— Уқдим.

Шу захотнёқ телефон жиринглади.

Гўшакни кўтарган хотин шошиб деди:

— Өрим уйда!

Ғазабланган эр унга ўшқирди:

— Мен сендан илтимос қилган эдим-ку?

— Ахир, кўнғироқ сенга эмас эди-да! бамайлихотир жавоб берди хотин гўшакни жойига кўяр экан.

* * *

Судда ажралыш иши муҳокама қилинарди. Эр судьяга қараб ҳайқирди.

— Яшолмайман! Бундай хотин билан яшолмайман. Ажрашаман.

Қайнона уни силтаб ташлади.

— Э, қанақа йигитсанг, ўай, яшолмасмиш, Бутун шаҳар йигитлари қизим билан яшаб келяпти-ю, бу яшолмасмиш.

* * *

Қамашга етарли далил-исботлар бўлмаганлиги учун сизни озод этаман,—деди судья,—ўйлашимча энди кўришмаймиз.

— Нега энди жаноб судья?

Нима сиз пенсияга чиқиб кетяпсизми?

* * *

Бир аёл фол очирш учун фолбин аёлниқига борди.

— Вой худойим, яқинда эрингизга хужум қилишаркан,—деди фолбин,—натижада эрингиз ҳалок бўларкан.

Мен-чи, мени қамашадими ёки кўйиб юборишадими?

* * *

Ҳой бола, нега ёлғон гапирасан,—деди бир киши газета сотаётган болага қараб,

— Улкан фалокат, қурбонлар сони саксонга етди деган эдинг. Газетада бу тўғрида ҳеч нарса ёзилмаган-ку.

Бола унга эътибор ҳам бермай газета сотишди давом этди.

— Кеп қолинг, янги газеталар, қурбон бўлганлар сони саксон биттага этди.

* * *

Уқув йили тугади. Уғил уйга келиб отасининг бўйнига осилди.

— Дадажон, бахтингиз бор экан.

— Нега бундай деяпсан, ўғлим?

— Чунки янги ўқув йили учун китоб сотиб олиш ғалваларидан қутулдингиз-да.

Мен синфда қолдим.

«АДАМ ХЭМ НЫЗАМ»

ШӨЛКЕМЛЕСТИРИУШИЛЕР; Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы, Әдиллик Министрлиги ҳәм Ишки ислер Министрлиги.

Газета А-3 формасында нускасы 12500 581 буйыртпа менен басылды. Газета айына 3 мәртебе шығады.

Бас редактор

Роза КӨБЕЙСИНОВА.

Редакцияның жәмийетлик кеңесгөйлери:

Парахат АЙТНИЯЗОВ, Бахмурат СЕЙТМУРАТОВ, Батыр МАТМУРАТОВ, Халмурза МАМУТОВ, Фархад НИЗАМОВ, Азат НУРЖАНОВ, Жаңабай САДЫҚОВ, Жаңабай ШЫЛМАНОВ, Замира ШАМУРАТОВА, Ҳакимбай ХАЛИМОВ.

Мөкән жайымыз:

Инд; 742000. Нөкис қаласы

Ғөресизлик көшеси №44 жай. телефон; редактор; 4—47—59.

Басыўға рухсат етилген ўақты 15.00 Индекс пуқаралар ушы—321, кәрханалар ушы—322.